

БЕФАРҚЛИК: МАЗМУНИ, ИЛДИЗЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ОҚИБАТЛАРИ

Г.Бекмуродова - ф.ф.н., доц. (ҚарДУ)

Ўтган йилнинг охирги чорагида курраи заминимизнинг кўплаб нуқтада террористик ҳаракатлар содир этилди, улар натижасида бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, мамлакатларнинг одатий тинч турмушига дарз кетди. Албатта, мазкур жараёнларни иқтисодий, сиёсий, геополитик, ижтимоий ва бошқа контекстларда таҳлил қилиш мумкин. Лекин масаланинг маънавий-мафкуравий аспектлари ҳам эътиборни тортади.

Хўш, ушбу террористик ҳаракатларнинг маънавий-мафкуравий сабаблари нимада? Табиийки, бу сабаблар ҳақида гапирганда энг аввало экстремизм ғояларининг илдиз отиб бораёгани кишининг ҳаёлига келади. Бу тўғри, албатта. Бироқ терроризмнинг умумжаҳон аҳамиятига молик муаммога айланиши турли минтақаларда истиқомат қилаётган аҳоли орасида бефарқликнинг авж олгани билан ҳам боғлиқ. Айнан атрофда содир бўлаётган воқеаларга, хавфсизлик масалаларига, жамиятга зиён етказиши мумкин бўлган омилларга эътиборсизлик терроризмнинг урчиб кетишига сабаб бўлди.

Бефарқлик деганда жамиятда содир бўлаётган воқеаларга, ўзгалар турмушига, ҳатти-ҳаракатига, тараққиёт ва танazzул билан боғлиқ омил ва воситаларга эътиборсизлик тушунилади. У тасодифий ҳолатда юзага келган реалик эмас, аксинча, Ғарб жамиятида асрлар давомида толерантлик ниқоби остида ривожланиб келган ғоянинг ташқи ифодасидир.

Кўп йиллар мобайнида Ғарбда ўзгаларга эътиборсизлик толерантлик сифатида таърифлаб келинди. Аслида бундай эмас. Толерантлик – ўзгача турмуш тарзи, хулқ-атвор, анъана, фикр, гоя ва эътиқодга сабр-тоқат билан ёндашишни ифодаловчи терминдир. Бироқ бундан ғайриинсоний ва миллий маданиятга ёт бўлган турмуш тарзи ёки ғояларга ҳам сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Масалан, шахснинг

бошқалар манфаатларига зид бўлган, ўзгалар нафсониятига тегадиган ҳатти-ҳаракатларини, миллий маданиятга путур етказадиган фаолиятини сабр-тоқат билан қабул қилиш мумкин эмас. Бундай сабр-тоқат толерантликни эмас, бефарқликни англатади.

Ғарбдаги маънавий инқироз, индивидуализмни улуғловчи турмуш тарзи мантиқий равишда бефарқ кишилар сонини кўпайтирди. Ўзгаларнинг турмушига аралашмаслик, уларнинг манфаатлари ва мақсадларига эътиборсизлик ғарбона турмуш тарзининг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб қолди. Ана шундай шароитда дунёқараши шаклланган кинорежиссерлар, журналистлар, ёзувчилар бефарқлик ғояларини ўз асарларига ҳам олиб кирмоқдалар.

Мамлакатимизга Ғарбдан кириб келаётган фильм, кўрсатув, бадиий асарларда бефарқликнинг икки кўриниши учрайди. Биринчи кўриниши шахснинг ўзига, ўз турмушига, келажагига бефарқлиги билан боғлиқ. Кўпгина асар ва фильмлардаги бош қаҳрамонни ўз тақдири, соғлиғи мутлақо қизиктирмайди. Шу боисдан у турли авантюристик тадбирларга ўралашиб қолаверади. Бунинг устига, айнан шундай образ фильм ёки бадиий асар муаллифлари томонидан ижобий қаҳрамон сифатида тарғиб қилинади. Масалан, XX аср мобайнида Европа ва АҚШ кинематографияси ва телевидениесида ривож топган вестернларни олайлик. Уларнинг қаҳрамонлари одатда саёқ юрган, ўз ҳаёти ва соғлигини мутлақо қадрламайдиган, ўз тақдирига бефарқ бўлган ковбойлар, авантюристлар, дайдилар бўлади. Бу образларнинг ўз ҳаётига бефарқлиги шу даражадаки, улар бўлар-бўлмас баҳона билан қуролга ёпиша-верадилар. Мазкур жанрдаги фильмларнинг тез-тез “Оскар” номинацияси соҳибига айлананаётгани эса (масалан, Клинт Иствуд суратга олган ёки иштирок этган вестернлар тўрт бора “Оскар” мукофоти билан тақдирланган) кенг ижодий жамоатчилик ушбу ғояларни маъқуллаётганидан далолат беради.

Бефарқликнинг иккинчи кўриниши бошқалар турмушига, ҳатти-ҳаракатига эътиборсизликдан иборат. Бундай эътиборсизликни ўнлаб фильм ёки

бадиий асардан топиш мумкин. Фильм давомида бош қаҳрамон учратган кишиларнинг турмуши на уни қизиқтиради, на режиссерни. Режиссер воқеалар ривожини тасвирлар экан, томошабинни нуқул бош қаҳрамонга эргаштиради, холос. Айрим фильмларда бошқаларнинг турмушига, ташвишига аралашмаслик бош қаҳрамоннинг асосий принципларидан бири сифатида эътироф этилади. Масалан, режиссерлар Луи Летеррье ва Юань Куй томонидан “20th Century Fox” киностудиясида 2002 йилда суратга олинган “Le Transporteur” (“Юк ташувчи”) номли бадиий фильмда бош қаҳрамон Френк Мартиннинг асосий қоидаларидан бири бошқаларнинг ишига аралашмаслик, бефарқликдан иборат. У бошқаларга ёрдам қўлини чўзиш зарурияти юзага келганида жаҳли чиқади, асабийлашади, ёрдам учун кетган вақтидан афсусланади.

Бефарқликни тарғиб қилувчи фильм ва кўрсатувлар, бадиий асарлар ва мақолаларнинг ижтимоий хавфи айниқса катта. У жамият аъзолари орасидағи ҳамжиҳатликка, миллий бирдамликка, ёшлар дунёқарашига салбий таъсир кўрсатади, ижтимоий таракқиёт суръатларини сусайтиради, ғайриинсоний ҳаракатларнинг илдиз отишига замин яратади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати ташабbusи билан “Огоҳлик – давр талаби” шиори умуммиллий фаолият нормасига айлантирилмоқда, бефарқлик ва лоқайдликка қарши кураш системавий тус олмоқда.

Бинобарин, бефарқликнинг мазмун-моҳиятини билиш, уни толерантликдан ажрата олиш, ёшлар онгини бефарқликни тарғиб қилувчи оммавий маданият артефактларидан ҳимоялаш – бугунги куннинг долзарб маънавий-тарбиявий масалаларидан биридир.